



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING  
BUYRUG'I**

**Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда,  
автомотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан  
ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек  
имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартириш  
ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон  
“Автомотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат  
рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрдаги 174-сон буйруғи  
(рўйхат рақами 2303, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами,  
2011 й., 51-сон, 552-модда) тасдиқланган Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий  
ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим  
тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан  
ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига иловага мувофиқ  
ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

- Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.
- Мазкур буйруқ 2024 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазири**

Тошкент ш.  
2024 йил 31 март,  
164 сон



**Бобожонов П.Р.**

Келишилди:

Вазир



Kuchkarov D. A.

Тошкент ш.  
2024 йил 30 март,

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг

2024 йил 31 мартдаги  
164-сон буйругига  
ИЛОВА

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий хисобдаги бланкаларни беришда,  
автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан  
ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек  
имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимча

1. 7-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7. Электромобиллар, мототранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари тиркамаларини рўйхатдан ўтказиши ва қайта рўйхатдан ўтказиши учун	-	базавий хисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида
--	---	---

2. Куйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“

7 <sup>1</sup> . Электромобиллар, мототранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари тиркамаларидан бошқа барча автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиши ва қайта рўйхатдан ўтказиши учун	-	базавий хисоблаш миқдорининг 6,84 баравари миқдорида
---	---	--